НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ОЗОДА САФИБУЛЛАЕВНА

КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2018

УДК:37;377;37.09

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Абдуллаева Озода Сафибуллаевна
Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш технологиялари..... 3

Абдуллаева Озода Сафибуллаевна
Технологии повышения эффективности процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования…21

Abdullayeva Ozoda Safibullayevna
Techniques of increasing the efficiency of the preparation processes for pedagogical activity of students in the field of professional education ……41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications.....44

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ОЗОДА САФИБУЛЛАЕВНА

КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №2/B 2017. 2.PhD/Ped101 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Турғунов Собитхон Тошпўлатович** педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Юзликаева Эльзара Решатовна** педагогика фанлари доктори, профессор
	Уринова Нилуфар Мухаммадовна педагогика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____соат____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Х.Ё.Нажмиддинова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Б.Х.Ходжаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида таълим мазмунини стандартлаштириш билан боғлиқликда талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни жадал ўзгартиришлар киритишни талаб этмоқда. Таълим муҳитини лойиҳалаштириш, индивидуаллаштириш, табақалаштириш, касбий йўналтириш, қўшимча таълим дастурлари асосида таълим олувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш йўлларини эркин танлаш имкониятини яратиб берувчи ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш технологиясини ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган (модулли технологияларни ишлаб чиқиш, бўлажак мутахассисларнинг касбий билимларни ошириш, модераторлик ва супервайзерлик қобилиятлари, тизимли таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш маҳоратини ривожлантириш каби) илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш технологиялари соҳасида илмий-педагогик модулларини жорий этиш, миллий малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни турли даражадаги миллий таълим тизимлари билан уйғунлаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Республикамизда касб таълими йўналиши талабаларини касбий шакллантириш мазмуни такомиллаштирилди, касб таълими йўналиши талабаларида ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилди, касб таълими йўналиши талабаларини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологияси такомиллаштирилди. Шунингдек, таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланти-ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»[1] устувор вазифа этиб белгиланди. Хусусан, узлуксиз таълим жараёнида мутахассисларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ва илмий-педагогик адабиётларнинг таҳлили натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, касбий тайёргарлик, хусусан, касб таълими педагогларининг муаммоларини ечиш йўллари ва воситаларини ўрганишда Л.Голиш, Р.Джураев, З.Исмоилова, Г.Ибрагимова, Ж.Йулдашев, П.Магзумов, К.Мирсаидов, Н.Муслимов, У.Нишоналиев, А.Ходжабаев, Э.Чорыев, Р.Чориев, Ш. Шарипов; инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш борасида А.Абдукадыров, Н.Азизходжаева, У.Бегимкулов, Н.Сайидахмедов, У.Толипов, М.Уразова, Н.Уринова, Э.Юзликаевалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

МДҲ олимларидан С.Батышев, В.Безрукова, Н.Борисов, В.Беспалько, В.Байденко, К.Дуйсенбаева, З.Жуковской, Э.Зеер, И.Зимняя, Н.Кузьмин, В.Леднев, И.Лернер, М.Махмутов, С.Савелов, М.Скаткин, А.Субетто, Ю.Татур, В.Якунинлар томонидан янги муҳитда педагогик фаолиятни амалга оширишда ОТМ фаолиятининг асосий тамойиллари ёритиб берилган.

Хориж олимларидан J.Roueche, G.Baker, M.Daniel, E.King, Ch.Knapper, A.Cropley, Z.Bathory каби тадқиқотчилар педагоглар тайёргарлигини такомиллаштириш технологияларига доир илмий изланишларни амалга оширганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №И1-127. «Педагогик жараёнларни ташкил қилиш ва бошқариш технологияси» (2011-2012 йй.), №И1-ХТ-0-14351. «Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг касбий компетентлигини тизимли ёндашув асосида ривожлантириш ва раҳбарлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш технологиялари» (2012-2013 йй.), №А1-ХТ-1-33147 «Ташкил этиш ва бошқариш технологиялари, узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларнинг сифати ва самарадорлигини

ошириш» (2012-2014 йй.) ҳамда №А5-026 «mediaedu.uz медиатаълим тизимининг моделлари, алгоритмлари ва дастурий комплексини яратиши» (2015-2017 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касб таълими йўналиши талабаларини педагогик тайёргарлик жараёнлари самарадорлигини оширишнинг методологик, умумназарий асослари ва концептуал ёндашувларини таҳлил қилиш;

касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаштириш;

касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш технологиясини такомиллаштириш;

касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари касб таълими (5521900-Информатика ва ахборот технологиялари) йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил, кузатиш, ижтимоий сўров, тадқиқ қилиш, умумлаштириш, педагогик ташхислаш, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касб таълими йўналиши талабаларининг педагогик фаолиятга тайёрлик даражасига ташхис қўйиш индикаторлари узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлашга концептуал ёндашувлар (тизимли, вазиятга доир, рефлексив, шахсий-фаолиятга йўналтирилган) асосида аниқланган;

талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини баҳолаш мезонлари педагогик жараёнларни ташкил этишга корпоратив ёндашувни тизимли бошқарув билан мақбул уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

касб таълими йўналиши талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни механизми ўзаро фаолиятни акс эттирувчи инвариантли модулни (пропедевтик курс, Web-quest технология, портфолио ҳамда касбий фаолият кўрсаткичлари тизимлари) киритиш орқали такомиллаштирилган;

«Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш» ҳамда «Касб таълими йўналиш талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш» моделлари

башорат кўрсаткичлари ва диверсификацион-стратегик бошқарувга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган;

педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг изчиллик ва узлуксизлик функцияларининг асосий компонентлари (ташкилий, бошқарув, методологик, регулятив, корпоратив) аниқлаштирилган;

замонавий корпоратив, технологик, инновацион, гуманистик ёндашувлар асосида касб таълими йўналиши талабалари учун Web-quest ли веб-сайт, мобил иловалар орқали «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курси бўйича онлайн ўқитиш платформаси яратилган;

касб таълими йўналиши талабалари учун .apk форматида Android мобил платформаси учун «Педагогик луғат иловаси» ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот ишининг илмий аҳамияти касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишнинг мақбул шарт-шароитларининг аниқлаштирилганлиги, замонавий ёндашувларнинг касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнига изчиллик ва узлуксиз тамойилларини жорий этиш йўлларининг аниқлаштирилганлиги, педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг диагностик аппаратининг ишлаб чиқилганлиги, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш технологияси ва моделининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини баҳолаш индикаторларининг ишлаб чиқилганлиги, педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича назарий, амалий ва экскурсия машғулотларини ташкил этишга оид технологик карталарнинг яратилганлиги, «Касбий таълим педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курси бўйича тўгарак машғулотлари дастурининг ишлаб чиқилганлиги, мобил платформалар учун педагогик атамалар луғати

иловасининг яратилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан касбий таълим йўналиши бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касб таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш технологиясини ривожлантиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

касб таълими йўналиши талабаларининг педагогик фаолиятга тайёрлик даражасига ташхис қўйиш индикаторлари ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги 89-03-2782-сон маълумотномаси). Натижада талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш технологияси такомиллаштирилган, самарали ташкил қилиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, касбий фаолиятнинг натижавийлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилган;

талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва концептуал ёндашувлар 5330200-Информатика ва ахборот технологиялари таълим йўналиши талабалари учун яратилган «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» номли ўқув қўлланма (LAP Lambert Academic publishing & Co.KG, Saarbrucken, Germany, 2015. – 105 б.) мазмунига сингдирилган ҳамда ўқув жараёнига жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги 89-03-2782-сон маълумотномаси). Натижада касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини ташхис этишнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган ва коррекцион чора-тадбирлар тизими аниқлаштирилган;

касб таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришга доир таклифлардан «Педагогик жараёнларни ташкил қилиш ҳамда бошқариш технологиялари» (2011–2012 йй.) инновацион лойиҳасининг 2-банди: касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини бошқариш локал-модулли технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги 89-03-2782-сон маълумотномаси). Натижада касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи вазиятли, шахсга йўналтирилган, рефлексив ёндашувга асосланган умумпедагогик технологиялар мазмуни такомиллаштирилган;

«Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш» ҳамда «Касб таълими йўналиш талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш» моделларидан «Умумтаълим мактаблар раҳбарларининг касбий компетентлигини тизимли ёндашув ва раҳбарлик фаолияти самарадорлигини ошириш технологиялари асосида ривожлантириш» (2012-2013 йй.) инновацион лойиҳасининг 4-банди: касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятни ташкил этиш ва

бошқаришга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги 89-03-2782-сон маълумотномаси). Натижада педагогик фаолиятга тайёрлашнинг замонавий талабларга мувофиқ тузилмавий-мантиқий модели махсус ўқув модулларини (пропедевтик курс, Web-quest технологияси, портфолио ҳамда касбий фаолият кўрсаткичлари тизимлари) жорий этиш бўйича такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий ишлар, шу жумладан, 5 та монография, ўқув қўлланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиш. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 157 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Касбий таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида касбий таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий зарурат эканлиги, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашга доир замонавий ёндашувларнинг мазмун-моҳияти ҳамда талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида изчиллик ва узлуксизликнинг ўрни ёритиб берилган.

Назарий таҳлил жараёнида касбий педагогик тайёргарлик, касбий таълим, бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш шарт-шароитлари, шунингдек, замонавий педагогга қўйиладиган талаблар ва педагогик таълим жараёнини такомиллаштириш соҳасига оид қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги аниқланди (А.Абдукадыров, Н.Азизходжаев, С.Батышев, В.Безрукова, Н.Борисов, Л.Голиш, Р.Джураев, К.Дуйсенбаева, З.Жуковская, Э.Зеер, И. Зимняя, Г.Ибрагимова, З.Исмоилова, Н.Кузьмин, В.Леднев, М.Махмутов, П.Магзумов, М.Махмутова, К.Мир-саидов,

Н.Муслимов, С.Савелова, А.Субетто, У.Толипов, М.Уразова, А.Ходжабаев, Э.Чориев, Р.Чориев, Ш.Шарипов, J.Roueche, M.Daniel, E.King, Ch.Knapper, Z.Bathory).

Назарий таҳлил натижалари, шунингдек олий таълим муассасаларида касбий таълим йўналиши бўйича педагог-кадрларни тайёрлашнинг мавжуд ҳолати шуни кўрсатдики, қатор ташкилий-педагогик муаммолар ҳал этилмаган бўлиб, айниқса, касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ахборотлаштириш, интерактив дастурий воситалар асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмини такомиллаштиришни талаб этади.

Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг етарлича самарага эга эмаслигининг қуйидаги сабабларини келтириб ўтиш мумкин: талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг интегратив табиатига мос ўқув дастурлари ва технологияларининг такомиллаштирилмаганлиги; талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашнинг инновацион тактикасининг ишлаб чиқилмаганлиги, талабаларда замонавий педагог моделлари (тьютор, ингибитор, фасилитатор, модератор, супервайзер)нинг таркиб топтирилмаганлиги, талабаларни педагогик фаолиятга қизиқишларини шакллантириш бўйича мотивацион жараёнларни ташкил этишда тизимли ёндашувга амал қилинмаслиги ва ҳ.к.

Мазкур тадқиқот натижалари ва талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги муаммосига бағишланган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш омиллари, педагогик шарт-шароитлари, педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни мониторинги алоҳида тадқиқ этилган (В.Афанасьев, Д.Маркова, В.Сластенин, А.Субетто, М.Уразова, А.Ходжабаев, К.Шодманов, Ш.Шодмонова ва бошқалар).

Тадқиқот жараёнида педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи қуйидаги шарт-шароитларни такомиллаштириш лозим, деган хулосага келинди: ўқув материалларини модулли ва концентризм тамойиллари асосида структурлаштириш; педагогик фаолиятга тайёрлашнинг методик асосларини такомиллаштириш; фанлараро ва соҳалараро алоқадорликларни қарор топтириш; ўқув жараёнини ташкил этиш мазмуни, шакллари, метод ва воситаларини уйғунлаштириш; ўқитиш методлари ва воситаларидан комплекс фойдаланиш (ижодий ва тадқиқотчилик тавсифига эга мустақил ишларни бажариш, ўқитишга муаммоли ёндашув, педагогик вазифаларни буюртмачи билан алоқадорликда амалга ошириш, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, педагогик тажрибалар, амалий вазифалар тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳ.к.).

Тадқиқот натижаларига асосланиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш масаласини ҳал этишда, шунингдек талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда тизимли, рефлексив,

шахс-фаолиятли, вазиятли, мувофиқлаштирувчи, натижаларни бошқариш каби ёндашувлар муҳим роль ўйнайди ҳамда улар касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асосларини ўрганиш заруратини келтириб чиқаради (В.Афанасьев, В.Безрукова, Б.Гершунский, П.Третьякова, К.Шодманов, Ш.Шодмонова ва бошқалар).

Назарий таҳлил натижалари касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш узлуксизлик, изчиллик, қайта ташкиллаштириш каби илмий билиш методларини ҳам такомиллаштиришга хизмат қилади (С.Годник, Л.Евстафьева, Р.Капралова, Ю.Кустов, З.Раҳимова). Шундан келиб чиқиб, касб таълими йўналиши талабалари учун узлуксизлик ва изчиллик асосида пропедевтик курсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик фаолиятга йўналганлик мотивларини аниқлаштириш ва талабаларни педагогик фанларни ўрганишга қизиқишларини шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг мавжуд ҳолати таҳлили унинг технологик асосларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Пропедевтик курсни ташкил этиш механизми сифатида талабаларни 1-курсдан педагогик фаолиятга самарали тайёрлаш жараёнларини тузилмавий ва муаммоли-мажмуавий дастурлаштириш муҳим ўрин тутади. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш учун касбий-педагогик билимлар, рефлексив кўникма ва малакаларни ривожлантириш мотивацион жараённинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш механизми**» деб номланиб, унда касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни, модели ва амалий-технологик асослари ёритиб берилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида педагогик жараён сифатини кузатиш усулларида асосланган аниқловчи тажрибани ўтказиш ёрдамида педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни ташхис қилинди: меъёрий ҳужжатлар, педагогик кадрлар ҳақидаги маълумотлар, Педагогик кенгаш, мажлис баённомалари, ўқув дастурлари ва иш режалари, шу билан бирга ўқувчилар билан дарсдан ташқари фаолиятнинг ташкил этилиши, тўгарак машғулотлари ишланмалари, аудиториядан ташқари ишларда тарбиявий жараёнларни ташкил қилиш бўйича йўл хариталари ўрганилди ва таҳлил қилинди; касб таълими йўналиши талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ўртасида сўровномалар ўтказилди (1-жадвалга қаранг). Таҳлил натижалари асосида касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш модели ва технологияларини такомиллаштириш ҳамда пропедевтик курсини ишлаб чиқиш лозим, деган хулосага келинди.

Аниқловчи тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилиш асосида «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини

1-жадвал

Касб таълими йўналиши талабаларининг педагогик фаолиятга тайёргарлигини дастлабки ташхислаш натижалари

ОТМ	Гуруҳ	Тала-балар сони	Ў.Ф.	Ў-Т.Ф.	ЎЖТШ	Умумий баллар йиғиндиси	Ўртача баллар йиғин-диси	Тайёр-гарлик даражаси %
ТДПУ	Г1, Г2	49	190	142	140	472	9,63	64,2
ФарДУ	Г3, Г4	54	201	159	155	515	9,54	63,6
НамДУ	Г5, Г6	51	195	149	148	492	9,65	64,3
НамМҚИ	Г7, Г8	55	205	150	158	513	9,33	62,2
Наманган транспорт ва ахборот технологиялари коллежи								
Ўқитувчилар сони		12	43	32	33	108	9	60

ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинди. Ушбу пропедевтик курснинг асосий вазифаси касб таълими йўналиши талабаларини касб-ҳунар коллежларида педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга тайёрлашдан иборат этиб белгиланди.

Таклиф қилинган «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини ўқитиш орқали олий таълим муассасаларида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларини ташкил қилиш ва бошқаришга доир қатор муаммолар ўз ечимини топади. Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида бўлажак муҳандис-педагогларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда тўгарак машғулотларида «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини ўқитиш амалга оширилди. Тадқиқотлар натижалари асосида «Информатика ва ахборот технологиялари» касб таълими йўналиши ўқув режасига мазкур курсни танлов фани сифатида киритиш лозим, деган хулосага келинди.

Тадқиқот натижалари асосида касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг таркибий тузилмаси, мазмуни, босқичлари, шакл, метод ва воситаларини ўзида акс эттирувчи концептуал модел такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).

Моделнинг асосини касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи стратегик режалаштириш ташкил этиб, у қуйидаги тактик вазифаларни ўзида акс эттирган:

талабаларни педагогик фаолиятга қизиқиши ва интилишларини қўллаб-қувватловчи рефлексив таълим муҳитини шакллантириш;

ҳамкорлик педагогикаси асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмунини аниқлаштириш;

талабаларда педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш қобилиятини ривожлантириш;



1-расм. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари смарадорлигини ошириш модели

талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштириш, педагогик маҳоратни узлуксиз ривожлантириб боришга интилишни таркиб топтириш.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш жараёни мониторингини ташкил этиш ва ахборотларни тўплашда қуйидаги методлардан фойдаланиш кўзда тутилди: халқаро тажрибани ўрганиш, реал таълим жараёнини ўрганиш ва таҳлил этиш, анкета, эксперт баҳолаш, аналитик баҳолаш, материалларни умумлаштириш, математик-статистик таҳлил.

«Информатика ва ахборот технологиялари» касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацион фаолиятга тайёрлаш воситаси сифатида Web-quest топшириқлари ишлаб чиқилди ҳамда онлайн тизим орқали амалиётга татбиқ этилди.

«**Тизимли ёндашув асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобда касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг узлуксизлиги ва изчиллиги асосида «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилган, таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижалари баён этилган.

Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни компонентларининг асосини олий таълим муассасаларида педагогик фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этилишидан иборат тизим сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари «Информатика ва ахборотлар технологиялари» бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари, ўқув дастурлари, илмий ва методик адабиётлар, ўқитувчиларнинг иш тажрибаси ҳамда тадқиқот натижалари асосида аниқлаштирилди. Мезон педагогик жараён ва субъектларнинг ривожланиш моҳиятини акс эттириб, барқарорлик касб этади. Кўрсаткичлар учун эса, динамиклик, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро шартланганлик хосдир. Шунинг учун талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари зарур кўрсаткичларни танлашни тақозо этди. Мезонлар ва кўрсаткичлар асосида касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш индикаторлари аниқлаштирилди.

Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилди.

Касб таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштиришнинг адекватлигини тасдиқловчи якуний босқич бўлиб, «Касб таълими

педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини тажриба-синов тарзида ўқитиш хизмат қилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари уч босқичда (2-жадвалга қаранг) амалга оширилиб, «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курси бўйича машғулотларни (маърузалар, амалий машғулотлар ва экскурсиялар) ўтказишнинг самарали шаклларини аниқлашга имкон берди, инновацион курснинг методик ва ахборот таъминоти ишлаб чиқилди.

2-жадвал

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ва ўтказилиши

Босқичлар	Ўтказиш муддати	Иштирокчилар ҳақида маълумот	Ўтказиш жойи
Асословчи	2012 – 2013 йй.	103 нафар касб таълими йўналиши талабалари ва 8 нафар педагог	Тошкент ш. ТДПУ, Фарғона ш. ФарДУ
		106 нафар касб таълими йўналиши талабалари, 4 нафар педагог ва кафедра мудири	Наманган ш. НамДУ, НамМҚИ
		12 нафар касб таълими ўқитувчилари	Наманган транспорт ва ахборотлар технологияси коллежи
Аниқлаш-тирувчи	2013 – 2014 йй.	98 нафар касб таълими йўналиши талабалари ва 2 нафар педагог	Тошкент ш. ТДПУ, Фарғона, ФарДУ
		112 нафар касб таълими йўналиши талабалари, 4 нафар педагог ва кафедра мудири	Наманган ш. НамДУ, Наманган ш. НамМҚИ
Таъкидловчи	2015 – 2017 йй.	108 нафар касб таълими йўналиши талабалари ва 2 нафар педагог	Фарғона ш. ФарДУ, Наманган ш. НамДУ
		53 нафар касб таълими йўналиши талабалари, 2 нафар педагог	Наманган ш. НамМҚИ

Тажриба-синов ишлари жараёнида тажриба гуруҳида машғулотлар тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган дидактик таъминот, назорат гуруҳларида мавжуд методика асосида ўтказилди. Мазкур жараёнда талабаларнинг педагогик фаолиятни ташкил этишга доир билим, кўникма, малака ва компетенциялари баҳолаб борилди. Шунингдек, талаба ва ўқитувчилар ўртасида сўровномалар ташкил этилди ҳамда суҳбатлар ўтказилди.

«Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курсини 2012-2013 ўқув йилидан 1-курс талабаларида ўқитиш йўлга қўйилиб, 2015-2017 ўқув йилгача тўгарак машғулотлари жараёнида мазкур курс изчиллик ва узлуксизлик асосида такомиллаштириб борилди. Ўқув ва малакавий педагогик амалиёт жараёнида курснинг самарадорлиги баҳолаб борилди.

Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни бўйича олинган якуний натижалар 3-жадвалда ўз аксини топган. Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги шартли йўналишлар асосида баҳоланди: А – касб таълими педагогининг функционал мажбурият-

лари; В – педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш; С – педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга концептуал ёндашув; Д – педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари; Е – педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш функциялари ва усуллари.

3-жадвал натижалари тизимли ёндашув асосида касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигининг ошганлиги, яъни 4-курс талабаларининг ўзлаштиришларида фоиз кўрсаткичларида сезиларли ўзгариш бўлганлигини кўрсатди.

3-жадвал

Талабаларнинг «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курси бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)

Курс	А		В		С		Д		Е	
	«3»	«4» - «5»	«3»	«4» - «5»	«3»	«4» - «5»	«3»	«4»-«5»	«3»	«4» - «5»
I	45	55	50	50	53	47	56	44	57	43
II	50	50	44	56	47	53	49	51	52	48
III	36	64	36	64	38	62	40	60	42	58
IV	22	85	18	82	20	80	21	79	15	85

4-жадвалда эса, «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курси бўйича машғулотларда иштирок этган тажриба гуруҳи талабалари (T_1, T_2, T_3) ҳамда педагогик фанлар бўйича машғулотларда иштирок этган назорат гуруҳи талабаларининг (H_1, H_2, H_3) педагогик фаолиятга тайёргарлиги даражасининг самарадорлиги ўз ифодасини топган. 4-жадвал натижалари «Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги» пропедевтик курси бўйича машғулотларда иштирок этган талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори эканлигини кўрсатди.

4-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Гуруҳлар	А	В	С	Д	Е	Балларнинг умумий йиғиндиси	Талабалар сони	Ўртача кўрсаткич	Тайёргарлик даражаси, %
T_1	112	117	112	115	119	575	27	21,3	85,2
T_2	115	117	113	115	118	578	26	22,2	88,8
T_3	117	110	119	117	121	584	28	20,8	83,2
H_1	91	83	81	79	86	420	25	16,8	67,2
H_2	94	87	93	90	88	452	26	17,38	69,54
H_3	90	91	97	93	84	455	29	15,69	62,76

Олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш асосида ўзлаштириш кўрсаткичларининг сифат ўзгаришлари ва аҳамиятлилик

даражаси аниқлаштирилди. 5-жадвалдан кўриниб турганидек, тажриба гуруҳи талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳи талабаларига нисбатан 17,4% юқоридир.

5-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичларининг статистик таҳлили

Гуруҳ-лар	А	В	С	Д	Е	Баллар-нинг умумий йиғиндиси	Тала-балар сони	Ўрта-ча кўр-саткич	Тай-ёргарлик дара-жаси , %
$S_т$	114, 66	114, 66	114, 66	115.66	119, 3	578,9	27	21,4	85,6
$S_н$	91, 66	87	90, 33	87, 33	86	443,32	26	17,05	68,2

Статистик таҳлил натижалари диаграмма тарзида қуйидаги кўринишга эга бўлди (2-расмга қаранг).



2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари самарадорлиги

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун қуйидаги (6-жадвалга қаранг) натижалар аниқланди.

Тажриба якунидаги ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсияси, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

6-жадвал

Статистик таҳлил

$\overline{X}$	$\overline{Y}$	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X^2_{n,m}$	Δ_x	Δ_y
2,14	1,71	0,4193	0,6269	1,9	1,8	7,52	597	95,8	0,09	0,07

Натижалардан тажриба ва назорат гуруҳи учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллари топилди:

$$\overline{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \le a_x \le \overline{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \quad \overline{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \le a_y \le \overline{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2{,}14 - 0{,}09 \le a_x \le 2{,}14 + 0{,}09 \quad 1{,}71 - 0{,}07 \le a_y \le 1{,}71 + 0{,}07$$

$$2{,}05 \le a_x \le 2{,}23 \quad 1{,}64 \le a_y \le 1{,}78$$

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Бизга маълумки, $\overline{X}$=2,14; $\overline{Y}$=1,71 $\Delta_x = 0{,}09$; $\Delta_y = 0{,}07$.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\overline{X} - \Delta_x)}{(\overline{Y} + \Delta_y)} = \frac{2{,}14 - 0{,}09}{1{,}71 + 0{,}07} = \frac{2{,}05}{1{,}78} = 1{,}15 > 1;$$

$$K_{бдб} = (\overline{X} - \Delta_x) - (\overline{Y} - \Delta_y) = (2{,}14 - 0{,}09) - (1{,}71 - 0{,}07) = 2{,}05 - 1{,}78 = 0{,}27 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан юқори экан.

Тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги фараз ўз исботини топди: касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга самарали тайёрлашда пропедевтик курслар имкониятидан фойдаланиш лозим; талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг интерфаол дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, анъанавий ва виртуал экскурсияларни тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

1. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади. Олий таълим тизимида касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг инновацион ва ахборот технологияларининг мазмунли ва процессуал асосларини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади.

2. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг методологик ва назарий асослари ретроспектив таҳлили орқали мазкур жараённи ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда вазиятли, оптималлаштириш, тадқиқотчиликка доир, шахсий фаолиятга доир, миллий-ҳудудий, тизимли, натижалар бўйича бошқарувга доир ёндашувларнинг педагогик имкониятлари аниқлаштирилди.

3. Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда изчиллик ва узлуксизликни таъминлашда қуйидаги компонентларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш лозим: мустақил таълим, ўзини ўзи тарбиялаш, педагогларнинг илғор иш тажрибасини ўзлаштиришга интилиш, ижобий мотивацияни ҳосил қилиш ҳамда қулай таълим муҳитини яратиш.

4. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишда унинг таркибий тузилмаси, мазмуни, босқичлари, шакл, метод ва воситаларининг янгиланиб боришини кўзда тутувчи концептуал моделга асосланиш лозим.

5. Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида “Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги” пропедевтик курсини ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилди.

6. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари “Информатика ва ахборотлар технологиялари” бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари, ўқув дастурлари, илмий ва методик адабиётлар, ўқитувчиларнинг иш тажрибаси ҳамда тадқиқот натижалари асосида аниқлаштирилди.

7. Касб таълими йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишда касб таълими педагогининг функционал мажбуриятлари, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва инновацион бошқариш, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга концептуал ёндашув, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, педагогик жараёнларни ташкил этиш ҳамда бошқариш функциялари ва усулларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозим.

8. Таъкидловчи эксперимент натижасида қуйидагилар исбот қилинди: тажриба гуруҳ талабаларининг педагогик фаолиятга самарали тайёргарлиги даражаси "Касб таълими педагогининг педагогик компетентлиги" пропедевтик курсини ўқигач назорат гуруҳ талабаларига нисбатан 17,4 % га ошди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.09.2018.Ped.76.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛАЕВА ОЗОДА САФИБУЛЛАЕВНА

ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПОДГОТОВКИ К ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ПО НАПРАВЛЕНИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Наманган – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 2/В 2017. 2.PhD/Ped101.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.namdu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Тургунов Собитхон Тошпулатович,** доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Юзликаева Эльзара Решатовна** доктор педагогических наук, профессор
	Уринова Нилуфар Мухаммадовна кандидат педагогических наук
Ведущая организация:	**Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ___часов на заседании Научного совета PhD.28.09.2018.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за №___). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____2018 года.
(протокол рассылки №_____ от ____ _____ 2018 года).

Т.Файзуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Х.Ё.Нажмиддинова
Ученый секретарь Научного Совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Б.Х.Ходжаев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике содержание образования, процесс подготовки к педагогической деятельности претерпевает крупные изменения в связи с его стандартизацией. Большое внимание уделяется разработке технологий обучения, основной характеристикой которых является вариативность, возможность осознанного выбора содержания и путей получения образования как обучаемыми, так и обучающими, за счет разнообразных видов образовательных траекторий, дифференциации, профилизации, индивидуализации обучения, дополнительных образовательных программ.

В мире осуществляются научные исследования (разработка модульных технологий, повышение профессиональных знаний будущих специалистов, модераторские и супервайзерские способности, системный анализ, развитие логического мышления и проведения искусных дискуссий), направленные на совершенствование механизмов развития технологии повышения эффективности процесса подготовки студентов к педагогической деятельности. Перспективные направления научно-педагогических изысканий в области технологии повышения эффективности процесса подготовки студентов к педагогической деятельности основываются на введение модулей, введение национальных квалификаций и согласование их между национальными системами на разных уровнях.

В республике усовершенствовано содержание профессионального формирования, разработана технология развития компетентности в сфере работы с информацией, усовершенствована технология подготовки к проектировочной деятельности студентов по направлению профессионального образования. В условиях информатизации образования важно и значимо разработка инновационной модели процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования, совершенствование педагогических механизмов повышения эффективности процесса подготовки к педагогической деятельности. В реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены приоритетные задачи по «повышению доступности качественных образовательных услуг, подготовке высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»[2]. В частности, особое внимание уделяется совершенствованию подготовки к педагогической деятельности специалистов в непрерывном образовательном процессе.

Настоящее диссертационное исследование способствует решению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП №-4947 от 7

[2] Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017г., № 6, ст. 70.

февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП №-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» и в других нормативно-правовых актах, касающихся этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

В нашей республике, основываясь на исследования ученых и анализ научно-педагогической литературы, можно сказать, что исследовательскими работами по изучению путей и средств профессиональной готовности, в частности решениями проблем педагогов профессионального образования, занимались: Л.Голиш, Р.Джураев, З.Исмоилова, Г.Ибрагимова, Ж.Йулдашев, П.Магзумов, К.Мирсаидов, Н.Муслимов, У.Нишоналиев, А.Ходжабаев, Э.Чорыев, Р.Чориев, Ш.Шарипов; проведены научные исследования в сфере применения инновационных педагогических и информационных технологий в образовательном процессе такими учеными как А.Абдукадыровым, Н.Азизходжаевой, У.Бегимкуловым, Н.Сайидахмедовым, У.Толиповым, М.Уразовой, Н.Уриновой,Э.Юзликаевой.

Учеными из стран СНГ раскрыты основные направления деятельности высших образовательных учреждений, осуществляющих педагогическую подготовку в новых условиях: С.Батышева, В.Безрукова, Н.Борисова, В.Беспалько, В. Байденко, К.Дуйсенбаева, З.Жуковская, Э.Зеер, И.Зимняя, Н.Кузьмина, В.Леднев, И. Лернер, М.Махмутов, С.Савелова, М.Скаткина, А.Субетто, Ю.Татура, В.Якунин.

Зарубежный опыт показывает, что исследования в области совершенствования подготовки преподавателей проводили: G.Baker, Z.Bathory, M. Daniel, E.King, Ch.Knapper, J.Roueche, A.Cropley.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Наманганского инженерно-строительного института №И1-127 по теме «Организация педагогических процессов и технологии управления» (2011-2012 гг.), Института усовершенствования и переподготовки педагогических кадров Наманганской области №И1-ХТ-0-14351 по теме «Технологии развития профессиональной компетентности и

повышения эффективности управленческой деятельности руководителей средних общеобразовательных учреждений на основе системного подхода» (2012-2013 г.г.), Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук №УзНИИПН А1-ХТ-1-33147 по теме «Технологии организации и управления, повышения качества и эффективности педагогических процессов в системе непрерывного образования» (2012-2014 г.г.), Ташкентского университета информационных технологий (А5-026) по теме «Разработка моделей, алгоритмов и программного комплекса медиаобразовательной системы mediaedu.uz» (2015-2017 гг.).

Целью исследования является совершенствование технологии повышения эффективности процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования.

Задачи исследования:

проанализировать методологические, общетеоретические основы, концептуальные подходы процесса педагогической подготовки студентов профессионального образования;

определить критерии оценки эффективности процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования;

совершенствовать технологии процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования;

усовершенствовать модель организации процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования.

Объектом исследования является процесс подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования 5521900-Информатика и информационные технологии.

Предмет исследования: содержание, формы, методы и средства процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессионального образования.

Методы исследования. В процессе исследования использованы такие методы, как: ретроспективный анализ, наблюдение, социологический опрос, исследование, обобщения, педагогическое диагностирование, педагогический эксперимент, математическо-статистический анализ.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

определены индикаторы, диагностирующие уровень сформированности готовности к педагогической деятельности студентов по направлению в теме по направлению профессионального образования на основе концептуальных подходов (системный, ситуационный, рефлексивный, личностно-деятельностный) к подготовке педагогических кадров в системе непрерывного образования;

